

**АБУ АЛИ ИБН СИНО НОМИДАГИ
БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**

DSc.04/29.02.2024.Tib.93.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
**АБУ АЛИ ИБН СИНО НОМИДАГИ БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ
ИНСТИТУТИ**

АСАДОВА НИГОРА ҲАМРОЕВНА

**ТИМУСНИНГ МОРФОФУНКЦИОНАЛ ХУСУСИЯТЛАРИ ВА НУР
КАСАЛЛИГИДА БИОСТИМУЛЯТОР ТАЪСИРИДАГИ
ЎЗГАРИШЛАРИ**

14.00.02 – Морфология

**Тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Бухоро – 2024

Фалсафа доктори (PhD) диссертация автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора наук (PhD)

Contents of the dissertation abstract of doctoral dissertation (PhD)

Асадова Нигора Хамроевна

Тимуснинг морфофункционал хусусиятлари ва нур касаллигида
биостимулятор таъсиридаги ўзгаришлари 3

Асадова Нигора Хамроевна

Морфофункциональные свойства тимуса в норме и под воздействием
биостимулятора на фоне лучевой болезни 25

Asadova Nigora Khamroyevna

Morphofunctional properties of the thymus are normal and under the influence of a
biostimulator against the background of radiation sickness 49

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published work..... 54

**АБУ АЛИ ИБН СИНО НОМИДАГИ
БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**

DSc.04/29.02.2024.Tib.93.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
**АБУ АЛИ ИБН СИНО НОМИДАГИ БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ
ИНСТИТУТИ**

АСАДОВА НИГОРА ҲАМРОЕВНА

**ТИМУСНИНГ МОРФОФУНКЦИОНАЛ ХУСУСИЯТЛАРИ ВА НУР
КАСАЛЛИГИДА БИОСТИМУЛЯТОР ТАЪСИРИДАГИ
ЎЗГАРИШЛАРИ**

14.00.02 - Морфология

**Тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Бухоро - 2024

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.1.PhD/Tib1818 рақам билан рўйхатга олинган

Диссертация Бухоро давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб саҳифасида www.bsmi.uz ва «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Тешаев Шухрат Жумаевич тиббиёт фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Расулов Ҳамидулла Абдуллаевич тиббиёт фанлари доктори Баландина Ирина Анатольевна тиббиёт фанлари доктори, профессор (Россия Федерацияси)
Етакчи ташкилот:	Соғлик Билимлар Университети (Туркия Республикаси)

Диссертация химояси Бухоро давлат тиббиёт институти ҳузуридаги DSc.04/29.02.2024.Tib.93.01 рақамли илмий кенгашнинг 2024 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, Ғиждувон кўчаси, 23-уй. e-mail: buhmi@mail.ru).

Диссертация билан Бухоро давлат тиббиёт институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, Ғиждувон кўчаси, 23-уй).

Диссертация автореферати 2024 йил «___» _____ кунни тарқатилди.
(2024 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

М.Р. Мирзоева

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси ўринбосари, тиббиёт фанлари доктори

Н.Қ. Дўстова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори (DSc)

А.Р. Облоқулов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD)диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Инсон организмига бериладиган ҳар қандай ташқи механик, физик, кимёвий, биологик таъсир ушбу организм аъзоларининг тузилиши ва функцияси ўзгаришига олиб келади. Бунда организм компенсатор мослашув механизмлари доирасида морфологик, морфофункционал, клиник ва лаборатор параметрларни ўзгартириш йўли билан жавоб реакциясини беради. Бундай ташқи таъсир қилувчи омиллардан бири радиацион нурланиш бўлиб, улар маълум микдордаги дозаларда тана аъзолари ва тизимларига салбий таъсир кўрсатиши исботланган. «Радиацион нурланиш тиббий диагностика ва терапияда универсал воситадир. Юқори дозаларда бу ўсмага қарши даволашда асосий компонент бўлиб хизмат қилади. Паст дозаларда асосан турли хил яллиғланиш, дегенератив ва гиперпролифератив касалликларни даволаш учун ишлатилади....»¹

Жаҳоннинг етакчи илмий марказлари изланувчилари томонидан нур касаллигининг пайдо бўлиши, шаклланиб бориши, кечишининг асосий сабаби қон тизими эканлиги исботлаб берилган. Шунга кўра, қон яратиш тизимининг нурланиш таъсирига жуда сезгирлигини ҳисобга олган ҳолда, унинг асосий таъсири иммун тизими эканлиги кўрсатиб берилган. Нурланиш таъсирида митотик бўлиниш сўниб боргани, қон яратиш аъзолари аплазияси, ДНК оксиллари синтезининг бузилиши, периферик қондаги дифференциялашган шакли элементларининг тотал ўлими кузатилиши аниқланган. Бироқ бугунги кунгача илмий-амалий, клиник-лаборатор тадқиқотлар асосида ўткир ва сурункали нурланишларнинг организм гематологик, иммунологик ва цитогенетик кўрсаткичларига таъсир даражаси ва улар келтириб чиқарган патологик жараёнга турли дори воситаларининг, шу жумладан, биостимуляторларнинг таъсири тўлиқ ўрганилмаган бўлиб, нур касаллигида организмдаги ўзгаришлар, шу жумладан, иммун тизимдаги морфофункционал хусусиятлар ҳамда нурланиш таъсирини камайтириш бўйича даволаш-профилактика тадбирларини ишлаб чиқиш ўз долзарблигини йўқотгани йўқ.

Мамлакатимизда аҳолига ихтисослашган тиббий ёрдам кўрсатиш, ўткир ҳамда сурункали нурланишларнинг организмга таъсир даражасини аниқлаш, улар натижасида патологик ҳолатлар юзага чиқмаслиги бўйича тиббий хавфсизликни таъминлаш бўйича амалий ишлар қилинмоқда. Юртимиз тиббиётини тубдан ривожлантириш мақсадида тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, замонавий тиббиёт усуқуналаридан фойдаланиш жараёнида беморлар ва тиббиёт ходимларининг нурланиши натижасида келиб чиқадиган онкологик касалликларни камайтиришга қаратилган бир қатор вазифалар белгиланган. Жумладан, Ўзбекистон

¹ Vijay K. Singh and Thomas M Seed Pharmacological management of ionizing radiation injuries: Current and prospective agents and targeted organ systems 2020 Feb; 21(3): 317–337.

Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг “мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усуллари жорий қилиш, патронаж хизмати ва диспансеризациянинг самарали моделларини яратиш орқали, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни профилактика қилиш...”² борасидаги саъй ҳаракатларини алоҳида таъкидлаш лозим. Ушбу амалга оширилиши лозим вазифалар радиацион нурланиш натижасида ривожланадиган касалликларни камайтириш, ташхислаш ва даволашда замонавий тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтариш ва сифатли тиббий хизмат кўрсатишда замонавий технологияларни қўллашни такомиллаштириш орқали онкологик касалликлар асорати натижасидаги ногиронлик ва ўлим кўрсаткичини камайтириш имконини беради.

Ушбу диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ-6110-сон «Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида» ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 ноябрдаги ПҚ-4887-сон «Аҳолининг соғлом овқатланишини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ги, 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4891-сон «Тиббий-профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилган.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Нурланганда организмнинг экзоген инфекцияларга (туберкулёз, дизентерия, вируслар ва бошқалар) чидамлилиги пасаяди ва барча касалликларнинг кечиш характери ўзгаради. Бундай организмда макрофаглар ва ретикулоэндотелиал тизим хужайралари томонидан амалга ошириладиган фагоцитоз жараёни издан чиқади (Ҳасанова Д.А., 2019).

Республикада кузатиладиган турли зарарли омиллар, шунингдек, пестицидларнинг токсиколого-генетик ва морфологик кўрсаткичлари, АСД-

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги “Аҳолига Гематология ва Онкология хизматларини кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш” тўғрисидаги ПФ-6110-сон қарори.

2 фракциясининг турли орган ва тизимларнинг фаолиятига таъсирининг морфолик ўзгаришлари тадқиқ этилган (Ҳасанова Д.А., 2019; Турдиев М.Р., 2019; Баймурадов Р.Р., 2021; Худойбердиев Д.К.,2022, Наврўзов Р.Р.,2022), ички аъзоларнинг нур таъсирида ва биокоррекциялашдан кейинги морфологик ўзгаришлари баҳоланган (Султанова Л.Д.,2022), ўткир ва сурункали нурланиш таъсирининг иммун-гематологик ва цитогенетик жиҳатлари кузатилган(Тўхтаева Ҳ.Х.,2022).

Иммун тизимнинг шикастланган ҳужайраларининг иши камқонликни, лимфоид органлар атрофиясини, ўсишдан ва ривожланишдан тўхташни ва организмни нобуд бўлишини келтириб чиқаради. Лейкопения ва камқонликда, яъни лимфоид тўқималар ва суяк кўмиги фаолияти пасайганда иммунитет бузилиши тезлашади. Қон ҳужайраларининг шикастланиши иммунитетнинг гуморал тизимини бузилишига олиб келади (Лазаревич Н.В., Сергеева И.И. ва бош. 2022.). Шу билан биргаликда, нур касаллигида қон хосил қилувчи ва иммун тизимни тикланишини кучайтирувчи ёки стимуллаш қобилиятига эга бўлган терапевтик дори воситалари чегараланганлигини таъкидламоқчимиз (Kreuzer M. et all 2018).

Мазкур ишларда қўлга киритилган ютуқлар, натижалар қолаверса, юзага чиққан вазифалар иммун системанинг марказий органи бўлган тимуснинг нурланишдан кейинги морфологик ўзгаришларини ўрганиш учун қўшимча изланишлар олиб бориш кераклигини тақозо қилади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Бухоро давлат тиббиёт институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ - 05.2024.PhD199 – сонли “COVID - 19 дан кейинги даврда Бухоро воҳаси аҳолиси саломатлигига таъсир этувчи патологик омилларни эрта аниқлаш, ташхислаш ҳамда янги даволаш профилактика усуллари ишлаб чиқиш” мавзуси (2021-2024) доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади тимуснинг морфофункционал хусусиятлари ва нур касаллигида биостимулятор таъсиридаги ўзгаришларини қиёсий ўрганишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

каламушлар тимусининг 3, 6, 9 ойлик даврларидаги морфологик ва морфометрик параметрларини меъёрда аниқлаш;

сурункали нурланишда тимус тўқимаси морфологик ва морфометрик параметрларини баҳолаш;

нурланиш фонид ва нурланишдан кейинги даврларда АСД-2 фракцияли биостимулятор қабул қилган оқ каламушлар тимуси тўқимаси морфологик ва морфометрик параметрлари ўзгаришларини солиштирма таҳлил қилиш;

сурункали нурланишда тимусдаги морфологик ўзгаришларга қараб каламушларда АСД-2 фракциясини энг яхши фойдаланиш вақтини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти сифатида янги туғилган ва 3, 6, 9 ойлик оддий виварий шароитида сақланган 230 та эркак оқ зотсиз каламушлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида тажриба остидаги оқ зотсиз каламушларнинг тимусидан олинган гистологик материаллари хизмат қилган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда тажрибавий, гистологик, морфологик, морфометрик ва статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

сурункали нурланиш олган лаборатория ҳайвонлари тимусидаги морфологик ўзгаришлар интенсивлиги юқорилиги нурланишнинг тимусга салбий таъсирини исботлаган;

сурункали нурланиш таъсирида нурлантирилган каламушлар тимуси субкапсуляр, гематотимик, кортикомедуляр зоналаридаги макрофаглар камайиши ҳисобида иммун тизим фаоллиги пасайиши исботланган;

нур касаллигида марказий иммун тизим аъзоси ҳисобланган тимусда структур ўзгаришлар, яъни орган ичи томирларининг шаклланишининг чуқур бузилиши, томирлар ички диаметрининг ўзгарувчанлиги, қаватларда дистрофик ўзгаришлар, етилган лимфоцитларнинг камайиши, дегенератив ўзгарган таначаларнинг пайдо бўлиши аниқланган;

нур касаллиги фонида Дороговнинг септик антистимулятори билан биокоррекция ўтказилгандан сўнг етилган лимфоцитлар сони ошиши, тимоцитлар кўпайиши, барча зоналардаги макрофаглар фаоллашиши, Гассал таначаларининг камайиши исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

олинган маълумотлар ёш аспектида иммун тизимда юзага келиши мумкин бўлган шикастланишни башоратлаш, олдини олиш ва патогенетик даволаш, нурланишда тимусдаги морфометрик ўзгаришлар даражасини баҳолаш тасаввурларини кенгайтирган;

тимусдаги патоморфологик бузилишларни эрта ташхислаш ва Дороговнинг иккинчи фракцияли антисептик стимулятори билан иммун коррекциялаш баҳоланган;

анатомия, гистология, онкология ва ренгенрадиология кафедралари ўқув жараёнига жорий этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқот замонавий, ўзаро бир-бирини тўлдирувчи экспериментал, морфометрик, лаборатор ва статистик усуллар билан тасдиқланади; бу айрисимон безнинг морфологик тузилиши ва функционал параметрлари меъёрда, нур таъсиридаги ва ундан кейинги турли даврлардаги биокоррекциясида ўзгаришларининг характерли қонуниятларини аниқлашга имкон берган, шунингдек, оқ зотсиз каламушлар тимусидаги патологик ўзгаришларнинг шаклланиши ва оқибатларини аниқлашга ёрдам берган, хулоса ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли идоралар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг назарий аҳамияти турли патоген омиллар таъсирида ёш кўрсаткичларида организмда юзага келувчи иммунологик жараёнларнинг мураккаб механизмини очиб беришдаги билимларга янгича ёндашув бўлиб хизмат қилган. Тимус тузилмавий ўзгаришларини гистотопографик ўрганиш бўйича назарий билимларни кенгайтиришга имкон беради ва илмий фаолиятнинг турли соҳаларига қўлланилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларнинг амалий аҳамияти нурлантирилган ҳайвонлар тимусидаги морфометрик ўзгаришларнинг асосий принциплари аниқлаб берилган. Олинган маълумотлар сурункали нур касаллигини эрта ташхислаш, башоратлаш ва самарали илмий асосланган даволаш тактикасини ишлаб чиқилган усулларини сифатини яхшилашга сабаб бўлади. Улар ўз навбатида сурункали нурланиш билан боғлиқ бўлган беморлар иммун тизим касалликларини ўрганишда илмий лабораторияларда тажриба модели сифатида қўлланилиши мумкинлиги, тиббиёт олий ўқув юртларида маърузаларни ўқиш, анатомия, гистология, патологик анатомия ва радиобиология фанлари бўйича амалий машғулотлар ўтказиш, талабаларга мустақил ишларни бажариш учун янги ўқув манбаси сифатида қўллашга тавсия этилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Бухоро давлат тиббиёт институти Эксперт кенгашининг 2024 йил 14 майдаги 24-Z/022 сон хулосасига кўра:

биринчи илмий янгилик: илмий янгиликнинг моҳияти: сурункали нурланиш олган лаборатория ҳайвонлари тимусидаги морфологик ўзгаришлар интенсивлиги юқорилиги нурланишнинг тимусга салбий таъсирини исботлаган. Нурлантирилган каламушларда барча ёш даврларда тимуснинг макроанатомик параметрлари, жумладан вазни, узунлиги, солиштирма оғирлиги ва ҳажмининг ўсиш суръати кўрсаткичлари камайганлиги аниқланган;

илмий янгиликнинг аҳамияти: олинган маълумотлар каламушлар тимусининг макроанатомик параметрларининг ривожланиши ва тузилиши бўйича назарий билимларни кенгайтиришга ва олинган натижалар нурланиш таъсирида иммун аъзоларида пайдо бўладиган ўзига хос ўзгаришларни аниқлашга ва шунга мос равишда даволаш усулларини ишлаб чиқиш имконини берган;

илмий янгиликни амалиётга жорий қилиниши: олинган илмий-амалий маълумотлар Республика ихтисослаштирилган Онкология ва радиология илмий амалий тиббий маркази Бухоро филиали бўйича буйруқ (28.12.2022; № 36) ҳамда Жондор туман тиббиёт бирлашмаси бўйича буйруқ (24.03.2023; №21) билан амалиётга жорий этилди;

илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: Сурункали нурланишнинг тимус биометрик параметрларига таъсири

бўйича аниқланган қонуниятлар эрта ташхис қўйиш сифатини янада яхшилашга, прогнозлаш усулларини ишлаб чиқишга имкон беради;

илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: назорат ва сурункали нурланишга чалинган ҳайвонларда тимус органометрик кўрсаткичларини қиёсий таҳлил қилиш бўйича назарий билимларни кенгайтириш сурункали нурланиш таъсири бўйича экспериментал тадқиқотлар ўтказишда диагностика усулларини такомиллаштириш орқали 1 нафар бемор ҳисобида 140 000 сўм бюджет маблағларини тежаш имконини беради; **хулоса:** Тимуснинг сурункали нурланиши патологиясини эрта ташхислаш прогнозлаш натижасида 1 нафар бемор ҳисобига 140 000 сўмга бюджет маблағларини иқтисод қилиш имконини берган;

илмий янгиликдан кенгайтирилган ҳолда фойдаланиши: «Тимуснинг морфофункционал хусусиятлари ва нур касаллигида биостимулятор таъсиридаги ўзгаришлари» мавзусида илмий янгиликни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Бухоро давлат тиббиёт институти эксперт кенгаши раисига Бухоро давлат тиббиёт институти ректори томонидан 2023 йил 27 февралдаги 04/1267-сон хат юборилган.

иккинчи илмий янгилик: илмий янгиликнинг моҳияти: сурункали нурланиш таъсирида нурлантирилган каламушлар тимуси субкапсуляр, гематотимик, кортикомедуляр зоналаридаги макрофаглар камайиши ҳисобида иммун тизим фаоллиги пасайиши исботланган;

илмий янгиликнинг аҳамияти: тажрибавий моделда тимусдаги организмни турли патоген омиллардан ҳимоя қиладиган Т-лимфоцитлар, макрофаглар сонини оқ каламушларда аниқланиши иммун тизим касалликларининг этиологияси, патогенези, ташхиси ва даволаниши билан боғлиқ муаммоларни ўрганиш учун зарурлиги аниқланган;

илмий янгиликни амалиётга жорий қилиниши: олинган илмий-амалий маълумотлар Республика ихтисослаштирилган Онкология ва радиология илмий амалий тиббий маркази Бухоро филиали бўйича буйруқ (28.12.2022; № 36) ҳамда Жондор туман тиббиёт бирлашмаси бўйича буйруқ (24.03.2023; №21) билан амалиётга жорий этилди;

илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: сурункали нурланиш таъсирида пайдо бўладиган морфометрик кўрсаткичларининг меъёрдаги кўрсаткичлар билан қиёсий таҳлили эрта ташхис қилиш, даво самарадорлигини оширишга имкон беради;

илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: нурланишнинг ҳайвонлар тимусининг микроанатомик параметрларига сурункали таъсирини баҳолаш методологияси бўйича таклиф этилган тавсиялар диагностика усулларини такомиллаштириш орқали тадқиқотлар давомида 1 нафар бемор ҳисобига 145 000 сўм маблағни тежаш имконини беради; **хулоса:** тимуснинг сурункали нурланиши патологиясини

эрта ташхислаш прогнозлаш натижасида 1 нафар бемор ҳисобига 145 000 сўмга бюджет маблағларини иқтисод қилиш имконини берган.

Илмий янгиликдан кенгайтирилган ҳолда фойдаланиши: «Тимуснинг морфофункционал хусусиятлари ва нур касаллигида биостимулятор таъсиридаги ўзгаришлари» мавзусида илмий янгиликни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Бухоро давлат тиббиёт институти эксперт кенгаши раисига Бухоро давлат тиббиёт институти ректори томонидан 2023 йил 27 февралдаги 04/1267-сон хат юборилган.

учинчи илмий янгилик: илмий янгиликнинг моҳияти: нур касаллигида марказий иммун тизим аъзоси ҳисобланган тимусда структур ўзгаришлар, яъни орган ичи томирларининг шаклланишининг чуқур бузилиши, томирлар ички диаметрининг ўзгарувчанлиги, қаватларда дистрофик ўзгаришлар, етилган лимфоцитларнинг камайиши, дегенератив ўзгарган таначаларнинг пайдо бўлиши аниқланган;

илмий янгиликнинг аҳамияти: сурункали нурланган каламушлар тимуси нурланиш таъсири натижасида аниқланган патологик эффект тимусда кузатилиши мумкин бўлган ўзгаришларни хужайра даражасида баҳолаш, ногиронлик ҳолатларини олдини олиб, даволаш давомийлигини қисқартиради;

илмий янгиликни амалиётга жорий қилиниши: олинган илмий-амалий маълумотлар Республика ихтисослаштирилган Онкология ва радиология илмий амалий тиббий маркази Бухоро филиали бўйича буйруқ (28.12.2022; № 36) ҳамда Жондор туман тиббиёт бирлашмаси бўйича буйруқ (24.03.2023; №21) билан амалиётга жорий этилди;

илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: сурункали нурланиш таъсирида иммун тизимга жавобгар хужайралар турининг камайиш механизмларини билиш аҳолининг иммун система саломатлиги билан боғлиқ муаммоларни олдини олиш ва даволаш учун уларни тартибга солиш йўллари ишлаб чиқишга имкон беради;

илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: нурланиш таъсирида келиб чиққан функционал ўзгаришларни тадқиқ қилиш, уларни аниқлаш ва баҳолаш натижасида диагностика усулларини такомиллаштириш орқали 1 нафар бемор ҳисобига 125 000 сўмга бюджет маблағларини, бюджетдан ташқари маблағларни 115 000 сўмга иқтисод қилиш имконини беради; **хулоса:** тимус патологияларни ўз вақтида баҳолаш, эрта ташхислаш ва башорат қилиш натижасида 1 нафар бемор ҳисобига 125 000 сўмга бюджет маблағларини, бюджетдан ташқари маблағларни 115 000 сўмга иқтисодий самарадорликка эришилган.

Илмий янгиликдан кенгайтирилган ҳолда фойдаланиши: «Тимуснинг морфофункционал хусусиятлари ва нур касаллигида биостимулятор таъсиридаги ўзгаришлари» мавзусида илмий янгиликни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Бухоро давлат тиббиёт институти

эксперт кенгаши раисига Бухоро давлат тиббиёт институти ректори томонидан 2023 йил 27 февралдаги 04/1267-сон хат юборилган.

тўртинчи илмий янгилик: **илмий янгиликнинг моҳияти:** нур касаллиги фонида Дороговнинг септик антистимулятори билан биокоррекция ўтказилгандан сўнг етилган лимфоцитлар сони ошиши, тимоцитлар кўпайиши, барча зоналардаги макрофаглар фаоллашиши, Гассал таначаларининг камайиши исботланган;

илмий янгиликнинг аҳамияти: экспериментал тажрибалар текширишда қўлланилган усуллар нурланишдан кейин тимус хужайра структурасидаги кўрсаткичларини қиёсий таҳлил қилиш имконини берди, олинган натижалар бўлса морфологик диагностика жараёнини осонлаштиришга ва такомиллаштиришга имкон бериши исботланди;

илмий янгиликни амалиётга жорий қилиниши: олинган илмий-амалий маълумотлар Республика ихтисослаштирилган Онкология ва радиология илмий амалий тиббий маркази Бухоро филиали бўйича буйруқ (28.12.2022; № 36) ҳамда Жондор туман тиббиёт бирлашмаси бўйича буйруқ (24.03.2023; №21) билан амалиётга жорий этилди;

илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги куйидагилардан иборат: тимус тўқимасида морфометрик параметрлар ва иммун хужайралар структурасини нурланиш ва биостимулятор – Дороговнинг септик антистимулятори 2 фракцияси билан коррекция таъсирига жавобан аъзодаги пролифератив фаоллик ва реактив жараёнларнинг ҳолатини аниқлашга, онкологик ва иммунопатологик касалликларга эрта ташхис қўйишга, даволашни оптималлаштиришга имкон яратади;

илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги куйидагилардан иборат: прогностик аҳамиятга эга морфологик мезонларни ўз вақтида аниқлаш натижасида ташхислаш усулларини такомиллаштириш орқали 1 нафар бемор ҳисобига даволаниш учун кетадиган бюджет маблағларидан 140 000 сўмга ва бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан 115 000 сўмга иқтисод қилиш имконини берган; **хулоса:** нурланиш фонида ва ундан кейинги даврларда биостимулятор билан коррекция қилиш 1 нафар бемор ҳисобига даволаниш учун сарфланадиган бюджет маблағларини 140 000 сўмга ва бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан 115 000 сўмга иқтисод қилиш имконини берган.

Илмий янгиликдан кенгайтирилган ҳолда фойдаланиши: «Тимуснинг морфофункционал хусусиятлари ва нур касаллигида биостимулятор таъсиридаги ўзгаришлари» мавзусида илмий янгиликни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Бухоро давлат тиббиёт институти эксперт кенгаши раисига Бухоро давлат тиббиёт институти ректори томонидан 2023 йил 27 февралдаги 04/1267-сон хат юборилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та илмий анжуманда, жумладан, 3 та халқаро ва 1 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 23 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари (PhD) асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан, 5 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 108 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва аҳамияти асослаб берилган, тадқиқот мақсади, вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, мазкур тадқиқотларнинг республика фан ва технологияларининг устувор йўналишларига мос келиши кўрсатиб берилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва унинг амалий натижалари ўз ифодасини топган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, чоп этилган ишлар ва диссертациянинг таркибий тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Турли таъсирлар остида тимусдаги морфологик хусусиятларнинг ўзгаришига назар”** деб номланган биринчи бобида тадқиқотлар мавзуси бўйича сўнгги йилларда илмий манбаларда чоп этилган маълумотлар тимуснинг морфологияси меъёрда ва ташқи омиллар таъсири остида, организмнинг нурланишдан кейинги давр ўзгаришлари, келиб чиқадиган касалликлари ва биостимулятор АСД-2 фракциясидан кейинги морфологик ўзгаришлар баён этилган.

Диссертациянинг **“Тимуснинг морфофункционал хусусиятлари ва нур таъсирида биостимулятор фонида ўзгаришларни аниқлаш асосидаги материаллари ва усуллари”** деб номланган иккинчи бобида муаммонинг ечимини таъминловчи тадқиқот материали, методологик ёндашув ва усулларга кўра иш олиб борилган.

Тадқиқотда 230 та оддий виварий шароитида бўлган эркак оқ каламушлар ишлатилган. Тажриба бошида барча жинсий етук каламушлар бир ҳафта давомида карантинга олинган ва соматик ёки юқумли касалликлар чиқариб ташланганидан кейин улар одатдаги виварий режимига ўтказилган. Ҳайвонлар 4 гуруҳга бўлинган: (n=224):

I гуруҳ – (интакт) назорат гуруҳи (n=55);

II гуруҳ – 2 ойликдан 20 кун давомида 0,2 Гр(умумий дозаси 4,0 Гр)) дозада нурланиш олган каламушлар (n=69);

III гуруҳ – 2 ойликдан 20 кун давомида 0,2 Гр (умумий дозаси 4,0 Гр) дозада нурланиш олган ва паралель равишда АСД-2 препаратини 0,1 мл соф АСД - 2 ва 0.4 мл дистилланган сувда эритилган ҳолда қабул қилган каламушлар – (n =53).

IV гуруҳ – каламушлар 20 кун давомида нурланиш курсини олган (2 ойликдан 0,2 Гр дозада, бу ерда умумий дозаси 4,0 Гр бўлган) ва нурланиш тугаганидан кейин АСД - 2 препаратини 0,1 мл тоза АСД - 2 дозасида 0,4 мл дистилланган сувда эритган ҳолда қабул қилган (n = 47). АСД - 2 нинг ушбу дозалари эмпирик равишда ҳисоблаб чиқилган ва ҳар куни интрагастрал оқ каламуш ошқозонига металл зонд орқали юборилган.

Сурункали нурланиш касаллигини симуляция қилиш учун 2 ойлик оқ каламушлар “АГАТ Р1” ДТГТ аппарати билан 25,006 Гр/мин (Эстония) билан 20 кун давомида 0,2 Гр дозада нурлантирилган (умумий дозаси 4,0 Гр) эди.

Назорат гуруҳи оқ каламушларига 20 кун давомида металл зонд билан интрагастрал йўл орқали 0,5 мл дистилланган сув бериб борилди.

Тажрибаларда жами 230 та оқ каламушдан фойдаланилиб, улардан фақат 6 таси тажрибалар давомида нобуд бўлган.

Тимусни ажратиб олиш учун лаборатор хайвонлар эфир наркози остида беҳушлик ҳолатида келтирилган ва дарҳол декапитация қилинган. Лаборатор каламушларнинг экспериментал клиник тадқиқотлари 2022 йил 20 майдаги Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни Сақлаш Вазирлиги Этик қўмитаси расмий рухсатнома асосида амалга оширилган № 4/14 - 1660. Бу тадқиқотлар ўтказиш учун рухсат (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни Сақлаш Вазирлигининг 2022 йил 19 майдаги Этик қўмита йиғилишининг № 4 баённомасидан кўчирма).

Оқ каламуш кўкрак бўшлиғини очгандан сўнг, тимус капсуласи билан бирга ажратиб олинган.

Тимусни морфологик ва морфометрик ўрганиш учун орган бутун капсуласи билан бирга олинган. Орган формалиннинг 10% эритмасига фиксация қилинди. Тегишли ишлов берилгандан сўнг материал парафинга блокларга куйилган ва 4-6 мкм қалинликдаги кесмалар тайёрланган, улар гематоксилин эозин ва Ван Гизон усулида бўялган. Микропрепаратлар DN-107T/ NLCD-307B модели (Хитой) ёруғлик микроскопи ёрдамида морфометрик текширилган: тимуснинг субкапсуляр, ички кортикал зоналари ва мағиз қисмининг қалинлиги ўлчанган, лимфоид шаклланишлар жойлашган жойлар морфометрияси ўтказилган.

Диссертациянинг **"Каламушларда тимус ривожланишининг морфологик ва морфометрик ривожланиши"** деб номланган учинчи боби 2 та кичик параграфдан ташкил топган бўлиб, каламушларнинг назорат ва тажриба гуруҳида эрта ва кеч постнатал онтогенез даврларида тимусдаги макроанатомик ва морфологик ўзгаришлар динамикаси таҳлил қилинган.

Ривожланишнинг постнатал даврида каламуш тимусининг асосий параметрларининг турли ўсиш суръатлари белгиланган. Бунга кўра, 6 ойлик оқ каламушлар тимусининг ўсиш кўрсаткичи 3 ойлик оқ каламушларга нисбатан 13,06 % га, солиштирма оғирлиги 17 % ва ҳажми 18,58 % га ошди. Ўсиб бориш кўрсаткичи эса 6 ойлик оқ каламушларда 0,7 мартага ошган. Оқ

каламушлар 9 ойлигида тимус 55,9 % га кичрайиши ҳисобидан 6 ойликка нисбатан инволюция кузатилган.

Энг юқори ўсиш суръати туғилган пайдан бошлаб 1- ойликгача кузатилади. Онтогенезнинг постнатал даврида тимус масса коэффициентининг энг юқори ўсиш суръати - 74,6 % 1 ойлигида кузатилган. Тимус майдонининг энг юқори ўсиш суръати 3 ойлигида 46,5% ни ташкил этган. Назорат гуруҳи каламушларининг массаси 9 ойлик давригача 45,6 мартага ошган. Энг катта ўсиш кўрсаткичи 6 ва 9 ойлик каламушларда қайд этилган. Янги туғилган каламушларда тимус массаси 3 ойликгача 56 мартага катталашган. Назорат гуруҳи каламушларининг 9 ойлик даврида тимус анатомик кўрсаткичлари 0,7 мартага кичрайиши ҳисобидан тимус беи инволюцияси қайд этилган. Каламушлар танасининг энг юқори ўсиш кўрсаткичи 9 ойликка, тимус анатомик параметрларининг юқори ўсиш кўрсаткичи эса 6 ойлик даврда кузатилган(1-жадвал).

1-жадвал

Постнатал даврда оқ каламушлар айрисимон беи макроанатомик параметрлари


Ёши параметри	Тимус					
	массаси (мг)	узунлиги (мм)	кенглиги (мм)	қалинлиги (мм)	солиштирма оғирлик (%)	ҳажми (%)
Янги туғилган	70,1±0,31	6,9±0,05	4,6±0,06	0,9±0,03	4,6±0,22	15,8±0,82
15 кун	74,7±1,15	7,3±0,05	4,7±0,06	1,1±0,35	4,8±0,28	16,4±0,85
1 ой	87,7±1,15	9,7±0,15*	6,4±0,15*	1,6±0,08*	3,7±0,22*	55,8±1,82
3 ой	246,3±1,2*	11,7±0,06*	8,6±0,08*	1,4±0,02*	3,4±0,08*	73,6±1,8*
6 ой	289,6±4,5*	12,9±0,12*	9,7±0,11*	1,9±0,04*	2,4±0,09*	123,3±1,3*
9 ой	264,2±2,77	8,9±0,06*	8,2±0,16*	1,6±0,03*	4,5±0,12*	59,2±1,8*

Изоҳ: * - олдинги ёшга нисбатан ишончлилик кўрсаткичи. ($P \leq 0,05$).

Тимус капсуласи қалинлиги ёшга боғлиқ ҳолда ўзгариб бориши аниқланган. Каламушларнинг 6 ойлик даврида тимус капсула қалинлиги дарвоза соҳасида, олдинги ва орқа учида 3 ойликка нисбатан 48,0% га ошган.

Каламушлар ривожланишининг 9 ойлик даврида без инволюцияга учраши намоён булган. Бу ёшга келиб ҳайвонлар тимусининг капсула қалинлиги барча соҳаларда 60,0% гача камайган (1-расм).

Проксимал трабекулалар диаметри 3 ойлик каламушларда 11,7% га, 6 ойлик каламушларда 13,3% га ва 9 ойлик каламушларда 19,6% гача ошган (2-расм).



1 - расм. Постнатал онтогенездаги 3 ойлик даврдаги каламуш тимуси капсуласининг қалинлиги(дарвоза сохаси, олдинги ва орқа учида)

Дистал трабекулалар диаметри 3 ойлик каламушларда 12,6% га, 6 ойлик каламушларда 15,3% га ва 9 ойлик каламушларда 20,4% гача ошган. (2-жадвал)

2-жадвал

**Постнатал онтогенез даврда оқ каламушлар айрисимон беги
микрoанатомик параметрлари**

параметр	Тимус (мкм)					
	капсула қалинлиги			трабекула ўлчамлари		
	дарвоза сохасида	олдинги учи	орқа учи	подкапсуля р сохада	марказий сохада	трабекула узунлиги
янги туғилган	4,3±0,14	5,2±0,32	4,5±0,11	10,6±0,08	7,5±0,14	10,2±0,68
15 кунлик	4,4±0,11*	5,3±0,05*	4,8±0,8*	10,8±0,06*	7,7±0,18*	11,5±0,25
1 ой	4,6±0,16*	5,6±0,07*	5,6±0,18*	11,4±0,08*	8,1±0,12	11,8±0,15*
3 ойлик	6,2±0,14	8,8±0,15	7,5±0,11	12,7±0,08	9,4±0,08	12,5±0,1
6 ойлик	5,3±0,05*	6,4±0,11*	5,3±0,08*	10,8±0,1*	7,3±0,09*	12,4±0,07
9 ойлик	3,0±0,1*	5,1±0,04*	3,9±0,05*	9,1±0,17*	6,1±0,08	13,3±0,07*


Изоҳ: * - олдинги ёш нисбати бўйича ишончли маълумотлар кўрсатилган (P≤0,05).

Оқ каламушлар тимусининг постнатал онтогенез даврдаги ҳужайралар структурасини ўрганиш шуни кўрсатдики, бир тимоцитдаги қобик нисбати 6 ойлик каламушларда 3 ойликка нисбатан 3,2% га, 9 ойлик каламушларда 3 ойликка нисбатан 11,2% га ва 6 ойликка нисбатан 8,1% га ошган. Бир тимоцитдаги мағизнинг нисбати 6 ойлик каламушларда 3 ойликка нисбатан 3,1% га, 9 ойлик каламушларда 6 ойликка нисбатан 8,2% га камайган. Қобикдаги ва мағиздаги лимфоцитлар миқдори ёшга боғлиқ ҳолда камайиб

борди. Тимоцит қобиғидаги лимфоцитлар 6 ойлик каламушларда 13,4% га, 9 ойлик каламушларда 19,4% га камайган. Бир тимоцит мағизидagi лимфоцитлар миқдори 6 ойлик каламушларда 8,5% га, 9 ойлик каламушларда 19,1% га камайган.

Оқ каламушлар тимусининг постнатал онтогенез даврида турли зоналаридаги макрофаглар сони текширилганда барча зонадаги макрофаглар сони ёшга боғлиқ ҳолда камайиб боргани аниқланган. Субкапсуляр зонадаги макрофаглар 6 ойлик каламушларда 25% га, 9 ойлик каламушларда 50% гача камайган. Гематотимик зонада 6 ойлик каламушларда 18% га, 9 ойлик каламушларда 40% гача камайган. Кортикомедуляр зонада 6 ойлик каламушларда 27% га, 9 ойлик каламушларда эса 74% га камайгани кузатилган.

Нурланишдан кейинги даврдаги 3 ойлик каламушлар проксимал трабекула артериола девор қалинлиги 11,3% га ошиши, диаметри 3% га камайиши кузатилган. Вена қон томирлари девор қалинлиги 9,2% га ошиб, диаметри 6,6% га камайган. Дистал трабекула артерия қон томирлари девор қалинлиги 17,7% га ошиб, диаметри 6,3% га камайиши кузатилган. Вена қон томирлари девор қалинлиги 6,3% га ошиб, диаметри 11,1% га камайган (2-расм).




2 - расм. Тимус трабекуласи диаметри ва чуқурлиги.

Нурланишдан кейинги 3 ойлик каламушлар тимуси тимоцитлар қобиғи ва мағизидagi артериола девор қалинлиги 8,7% гача ошди, диаметри 10,4% гача камайди. Венула девор қалинлиги 12,1% гача ошди, диаметри 7,1% гача камайган.

Сурункали нурланишдан кейин каламушлар тимуси микроскопик жиҳатдан морфологияси текширилганда без капсуласи бужмайган, мағиз қавати кенгайган, пўстлоқ кичрайиб, иккиламчи инволюция ривожланган.

Сурункали нурланиш жараёнида тимуснинг хужайралари барча қаватларида атрофик ва склеротик таъсир қилиб, безнинг инволюциясини тез ривожланишига олиб келаган (3-расм).



3-расм. Нурланиш таъсирида 3 ойлик каламушларнинг тимуси. Пўстлоқ қаватида атрофик ўзгариш (1) Мағиз қавати кенгайган (2) Бўёк: гемотоксилин-эозин. 40x10.

Нурланишдан кейинги даврдаги 6 ойлик каламушлар тимусидаги проксимал трабекула артериола девор қалинлиги 4,1% га ошиб, диаметри 10,1% га камайган. Венола девор қалинлиги 26,4% га ошган, диаметри 10,2% га камайган. Дистал трабекула артерия қон томирлари девор қалинлиги 5,4% га ошиб, диаметри 8,2% га камайган. Вена қон томирлари девор қалинлиги 2,3% га ошиб, диаметри 8,6% га камайган.

Нурланишдан кейинги даврдаги 9 ойлик оқ каламушлар тимуси проксимал қон томирлар девор қалинлиги 6,3% га ошгани, диаметри эса 8,2% га камайгани кузатилган. Венола девор қалинлиги эса 30% га ошиб, диаметри 13,5% га камайгани аниқланди. Дистал трабекула артериола девор қалинлиги 19,1% га ошган, диаметри 21,3% га камайган. Венола девор қалинлиги 15,4% га ошиб, диаметри 22,4% га камайган (3-жадвал).

3-жадвал

Нурланишдан кейин даврда оқ каламушлар тимуси проксимал трабекула қон томирлар микроанатомияси

ёши	Тимус проксимал трабекула қон томирлари(мкм)			
	Артериола		Венола	
	девор қалинлиги	ички диаметри	девор қалинлиги	ички диаметри
3 ойлик	23,15±0,80*	20,02±0,71	14,30±0,43	21,75±0,34
6 ойлик	17,91±0,79	19,95±0,08	22,78±0,91	20,05±0,17
9 ойлик	19,57±0,43*	23,76±0,24*	22,13±0,64	20,32±0,35

Изоҳ: * - олдинги ёшга нисбатан ишончлилик кўрсатилган ($P \leq 0,05$).

Нурланишдан кейин хужайралар структураси ўрганилганда сезиларли ўзгариш аниқланди қобикдаги лимфоцитлар миқдори 20% га, мағиз қаватдаги лимфоцитлар эса 18% га камайгани аниқланди. Мағиздаги Гассал

таначалари ҳажми кичрайиб деструкцияланиши ва камайиши ҳисобидан плазматик ҳужайралар кўпайгани, етилган лимфоцитлар камайиб ретикуляр ҳужайралар кўпайгани аниқланди. Нурланишдан кейинги даврдаги 3, 6, 9 ойлик оқ каламушлар тимусининг субкапсуляр, гематотимик кортикомедуляр зоналарида атрофия ва макрофаглар пролиферацияси кузатилган, тимоцитлар чегараси нотекис кўринишда бўлиб бу ўзгаришлар, пўстлоқ қаватда ретикулоцит ҳужайралар ва мағиз қаватда эса, кўплаб эпителий ҳужайралар ва макрофагларнинг пролиферацияси ва тимуснинг акцидентал трансформацияси ривожланишига олиб келган ва строманинг склерозланиши билан намоён бўлган. Тўқ пушти рангда йирик чандиқланган ўчоқлар ва ҳар хил даражадаги интерсициал шишлар кузатилган.

Нурланиш давомида ҳар кун 0,1 млдан АСД-2 фракцияси ичирилган 3 ойлик каламушлар тимуси капсуласи қалинлиги дарвоза соҳаси, олдинги ва орқа учида 15,0% га ошиши кузатилиб, бу кўрсаткич 6 ойлик каламушларда 10,0% га ва 9 ойлик каламушларда 5,0% га ошганлигини кўрдик.


Проксимал трабекулалар диаметри 3 ойлик каламушларда 9,5% га, 6 ойлик каламушларда 12,0% га ва 9 ойлик каламушларда 15,6% гача камайган.

Дистал трабекулалар диаметри 3 ойлик каламушларда 10,0% га, 6 ойлик каламушларда 11,3% га ва 9 ойлик каламушларда 14,5% гача камайган. Нурланган каламушлар тимусида трабекула чуқурлиги барча ёшдаги каламушларда ўртача 11,3% гача ошгани аниқланди.

Нурланиш давомида 0,1 млдан АСД-2 ф ичирилган 3 ойлик даврдаги каламушлар проксимал трабекула артериола девор қалинлиги 10,3% га камайиб, диаметри 5,4% га ошган. Венула девор қалинлиги 5,4% га камайиб, диаметри 6,8% га ошган. Дистал трабекула артериола девор қалинлиги 14,1% га камайиб, диаметри 7,3% га ошгани ва венула девор қалинлиги 4,6% га камайиб, диаметри 8,5% га камайгани аниқланган.

Шу гуруҳдаги 6 ойлик каламушлар тимусидаги проксимал трабекула артериола девор қалинлиги 4,03% га камайиб, диаметри 7,05% га ошгани кузатилган. Венула девор қалинлиги 25,6% га камайиб, диаметри 7,09% га ошгани кузатилган. Дистал трабекула артериола девор қалинлиги 6,41% га камайиб, диаметри 8,07% га ошган. Венула девор қалинлиги 4,04% га ошиб, диаметри 6,12% га камайгани аниқланган.

Нурланишдан кейинги даврдаги 9 ойлик оқ каламушлар тимуси проксимал қон томирлар девор қалинлиги 5,3% га камайиб, диаметри 7,2% га ошган. Венулалар девор қалинлиги 27,7% га камайиб, диаметри 12,3% га ошгани кузатилган. Дистал трабекула артериолалар девор қалинлиги 15,1% га, диаметри 20,3% га камайган. Венулалар девор қалинлиги 11,2% га камайиб, диаметри 16,4% га ошгани кузатилган. Нурланишдан кейинги 3 ойлик каламушлар тимуси тимоцитлар қобиғи ва мағизидаги артериола девор қалинлиги 7,04% гача камайгани, диаметри 7,12% гача ошгани аниқланди. Венула девор қалинлиги 11,4% гача камайиб, диаметри 6,45% гача ошган (4-расм).




4-расм. Турли тажриба гуруҳидаги каламуш тимуси дистал трабекула артерия ва вена қон томирлар морфометрик параметрларнинг қиёсий таснифи(ДТАДҚ-дистал трабекула артериола девор қалинлиги; ДТАИД- дистал трабекула артериола ички диаметри; ДТВДҚ-дистал трабекула венула девор қалинлиги; ДТВИД- дистал трабекула артериола ички диаметри).

Диссертациянинг “Сурункали нурланган каламушларнинг тимусини АСД-2 фракцияси билан детоксикацияси” деб номланган тўртинчи боби 2 та кичик бобдан ташкил топган бўлиб, биостимулятор фонида нурланган ва нурланишдан сўнг биостимулятор қабул қилган каламушлар тимусидаги морфометрик, морфологик ўзгаришлар ёритиб берилган.

Макроскопик жihatдан ўзгариш кузатилмасада, гистологик жihatдан сурункали нурланиш давомида биостимулятор қабул қилган каламушлар тимуси морфологияси текширилганда без капсуласи силлиқлашган, мағиз қавати кенгайган, пўстлоқ кичрайган. Қобикдаги лимфоцитлар миқдори 10,01% га, мағиз қаватдаги лимфоцитлар эса 15,04% га камайган. Мағиздаги Гассал таначалари ҳажми катталашган, сони 85,05% гача ошгани аниқланган.

